

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАХАМАТЖАНОВА НОДИРА МАХАМАДАМИН ҚИЗИ

**ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ БЎРИЧАДА ХАВОТИР-ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАР
ВА УНДА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 – Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Махаматжанова Нодира Махаматамин қизи

Тизимли қизил бўричада хавотир-депрессив бузилишлар ва унда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш 3

Махаматжанова Нодира Махаматаминовна

Тревожно-депрессивные расстройства при системной красной волчанке и оптимизация медико-психологической помощи..... 23

Makhamatjanova Nodira Makhamadamin qizi

Anxiety-depressive disorders in systemic lupus erythematosus and optimization of medical and psychological care..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАХАМАТЖАНОВА НОДИРА МАХАМАДАМИН ҚИЗИ

**ТИЗИМЛИ ҚИЗИЛ БЎРИЧАДА ХАВОТИР-ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАР
ВА УНДА ТИББИЙ-ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

19.00.04 – Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib1033 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.medsport.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ибодуллаев Зарифбой Ражабович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуллаева Васида Каримовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент Давлат Стоматология Институди

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25), e-mail.: tta2005@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Садиков

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Б. Солиев

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари доктори, к.и.х.

А.А. Хаджиметов

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тизимли қизил бўрича (ТҚБ) касаллигининг тарқалиши ҳаётий органларнинг шикастланишига олиб келганлиги сабабли қисқа муддатларда беморларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Расмий маълумотларга кўра, «...tizimli қизил бўрича ревматологик касалликлар орасида кенг тарқалган бўлиб, аёлларда эркакларга нисбатан 10 баробар кўпроқ учрайди ва бошланиш даври кўпинча 14-40 ёшлар оралиғига тўғри келади...»¹. ТҚБ психоэмоционал бузилишларнинг учраши бўйича етакчи ўринларни эгаллаши ҳамда ижтимоий-тиббий ва иқтисодий зарар етказувчи, ногиронлик даражаси юқори бўлган тиббий муаммолардан бири сифатида эътироф этилиши сабаб мазкур касалликда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишнинг янги мазмундаги амалий имкониятларини тадқиқ этиш масалалари долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ТҚБда хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришда юқори самарадорликка эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунда, психоэмоционал бузилишларнинг базис даво билан ўзаро патогенетик боғлиқ жиҳатларини аниқлаш, тизимли қизил бўрича аниқланган беморларда нишон аъзолари зарарланиши билан биргаликда психоэмоционал бузилишларни ҳам ривожланиши ва мослашиш жараёнида хавотирли-депрессив бузилишлар беморлар ҳаёт сифатига таъсири кўрсаткичларини баҳолаш, ТҚБдаги хавотирли-депрессив бузилишларнинг эрта диагностикаси ва асоратларининг ривожланиб кетишини прогнозлашнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни устувор даражада амалга ошириш зарурати кузатилмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан ТҚБда хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш даражасини янги поғонага кўтариш бўйича қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашни таъминлаш мақсадида 2017-2021 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ТҚБ касаллигини самарали даволашда психоэмоционал бузилишларни ҳам аниқлаб, уларга замонавий психофармакотерапия ва психотерапия усулларида фойдаланишни кенгайтириш асосида ихтисослаштирилган тиббий-психологик ёрдамни такомиллаштириш, шунингдек, ўз вақтида кўрсатилган тиббий-психологик

¹ Гадаев А.- Умумий амалиёт врачлари учун маърузалар тўплами – 2010 й. 669 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

ёрдам беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларини ижобий томонга ўзгартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йилнинг 7 декабридаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги илғор чет эл тажрибаси ва инновацион ғояларини тадбиқ қилишга доир қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда замонавий ревматология амалиётида эрта диагностика қилишнинг юқори самарадор усуллари ишлаб чиқиш билан бир қаторда коморбид бузилишли муаммоларни ҳал қилишдаги ёндашувларни ҳам қайта ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда. Россиялик тадқиқотчилар Лисицына Т.Л., Вельтищев Д.Ю., Серавина О.Ф., Ковалевская О.Б., Марченко А.С. ва бошқа мутахассислар томонидан (2008) ТҚБ аниқланган беморларнинг 66% руҳий бузилишлар, жумладан, депрессив эпизод, адаптация бузилишлари, тарқалган ҳавотир бузилишлари ва дистимия кузатилган. Вознесенская Т.Г. (2008)нинг тадқиқотлари сурункали стресс ревматик касаллик (РК)ларнинг дебюти ёки РКнинг қайта хуруж қилишига ва ҳавотирли-депрессив бузилиш (ХДБ)нинг бошланишига сабаб бўлганлигини кўрсатса, Вельтищев Д.Ю., Лисицына Т.А., Зелтинь А.Е. (2010)лар тадқиқотларида адаптация муаммолари, касалликнинг натижасига ишончсизлик оқибатидаги сурункали стресслар беморлардаги ҳавотир ва кайфият бузилишларини яна ҳам ошириши аниқланган.

Аутоиммун касалликлар учун психотерапия самарадорлигини баҳолайдиган бир нечта тадқиқотлар мавжуд бўлиб, нуфузли хорижий университетлар мутахассислари, жумладан, Miller A.H., Maletic V., Raison Ch.L. (2008), Navarrete N. (2010)лар томонидан ТҚБ билан касалланган беморларда психотерапия ва психологик қўллаб-қувватлаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш, ўзаро муносабатлардаги ижобий ўзгаришларга, бемор ўзини-ўзи қадрлашига ва умумий саломатлиги яхшиланишига олиб келишини кўрсатадиган тадқиқотлар олиб борилган. Céu T. M. S., Navarrete N, Peralta-Ramírez M.I., Sabio-Sánchez J.M. (2019) томонидан ўтказилган тадқиқотларда ТҚБдаги психоэмоционал бузилишларни коррекция қилишда

психоанализга асосланган психотерапия, когнитив-бихевиорал психотерапия усулларидан фойдаланилган. Бунда беморларда хис-туйғуларни ифода этиш ва улар билан курашиш қийинлиги аниқланган.

Бугунги кунда касалликларни даволашда тиббий психологик усулларни қўлланилиши, соматик касаллик ривожланишида, даволаш жараёнида беморнинг шахсияти ва ижтимоий-психологик омилларнинг ролини тобора кўпроқ англаш орқали шахснинг касалликка мослашиш механизмларини ўрганиш психологик диагностика соҳасининг устувор вазифалари доирасига кириши лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда кейинги ўн йилликда тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишлар ривожланишини эрта босқичларида аниқлаш, бу ҳолатни беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири, унда тиббий-психологик ёрдам тамоиллари, жумладан Гештальт-терапия самарадорлиги ўрганилмаган. Бу ўз навбатида мазкур муаммолар бўйича чуқур ва кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда бу борада олинган намуналар ҳажмининг кичиклиги, тасодифийликнинг йўқлиги ва фақат бир нечта соҳалардагина ижобий натижаларнинг камлик қилиши сабабли келгусида бу соҳада амалга ошириладиган тадқиқотлар долзарб ва илмий-амалий аҳамият касб этади. Мазкур диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01.110.0158 «Неврология ва тиббий психологиядаги бузилишларнинг клиник-ижтимоий тадқиқотлари» (2015-2019 йй.), 01.15.00156 «Бош миянинг ўткир ва сурункали касалликларининг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиокимёвий, невровизуал хусусиятларини ўрганиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишларни аниқлаш ва уларда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник структурасини психодиагностик усуллар орқали ўрганиб баҳолаш;

тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишларни коррекция қилишда Гештальт-терапия самарадорлигини аниқлаш.

хавотирли-депрессив бузилишлар билан намоён бўлувчи тизимли қизил бўричада беморларнинг ҳаёт сифатини динамикада таҳлил қилиш;

тизимли қизил бўрича аниқланган беморларга тиббий-психологик ёрдам алгоритмининг Гештальт-терапия усули ёрдамида ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлимида тизимли қизил бўрича ташхиси билан стационар даволанган 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган 80 нафар бемор жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предметини беморларнинг клиник ҳолати, психоэмоционал ҳолат кўрсаткичлари, бемор ҳаёт сифатини объектив ва субъектив баҳолаш кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, тиббий-психологик текширув, тиббий-психологик анкета (З.Р.Ибодуллаев 2018 й, патент №001031) HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale) “Хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи”, “SF-36 сўровномаси (SF-36 Health Status Survey)”, психотерапевтик коррекция усули сифатида Гештальт-терапия ва маълумотларни қайта ишлаш учун статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тизимли қизил бўрича касаллигидаги психоэмоционал бузилишлар бемор турмуш тарзига бўлган нигоҳини ва ички салоҳиятини ишга тушишини ўзгартиришга олиб келиши туфайли касаллик клиник кечувини авжланиши ва унинг давосига йўналтирилган стандарт даво самарасига салбий таъсирини тиббий-психологик ва махсус тестларни қўллаш орқали аниқлаш имконияти исботланган;

психоэмоционал ўзгаришлар структурасида кўрқув, хавотир, ваҳима ва депрессия каби бузилишлар устувор учраб, касалликнинг дастлабки даврларида аниқланганлиги, ҳамда шахс моделининг мотивацион, коммуникатив, интеллектуал ва бошқа компонентларини ҳам бузилиши туфайли бемор ҳаёт сифатига таъсир этувчи асосий психологик омил эканлиги ва комплекс психотерапевтик коррекцияни тақозо этиши аниқланган;

хавотирли-депрессив бузилишларни дастлабки намоён бўлиш даврларида бемор онгини кенгайтириш, англаш қобилиятини ошириш, ҳиссий муаммоларни енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган Гештальт-терапия усули ёрдамида коррекция қилиш орқали тизимли қизил бўрича даво чора-тадбирлари самарадорлигини яхшилаш имконияти аниқланган;

тизимли қизил бўрича касаллиги стандарт давосида Гештальт терапия усули ҳамда психофармакотерапия усулини қўллаш орқали касаллик кечуви ва унинг давосида ижобий натижаларга эришилганлиги ҳамда бу бемор ҳаёт сифатидаги рухий компонентнинг сезиларли даражада оширилганлигига асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббий амалиётда тизимли қизил бўричада кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни аниқлаб, уларни Гештальт-терапия ва психофармакотерапия усуллари қўллаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм орқали коррекция қилиш беморлар ҳаёт сифатини ижобий тарафга ўзгартиришда юқори самарага эга эканлиги аниқланган;

тадқиқот натижалари тиббий психологлар ва психотерапевтларга тизимли қизил бўрича касаллигидаги хавотирли-депрессив бузилишларни коррекция қилишда психологик ёрдамнинг дифференциал индивидуал усуллари ишлаб чиқишга имкон бериши исботланган;

тиббий-психологик ёрдамни ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган ёндашувлар тизимли қизил бўричадаги психоэмоционал бузилишларни бартараф этишда психолог, психотерапевт, ревматолог ва умумий амалиёт шифокорларини ўзаро ҳамкорликларини оптималлаштириши мумкинлиги аниқланган;

тадқиқот материаллари шифокорлар ва тиббий психологларни тайёрлаш учун асосий ўқув дастурларига, ревматолог ва умумий амалиёт шифокорларининг қўшимча таълим дастурларига киритилиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган тадқиқотлар замонавий усул ва ёндошувлар асосида олиб борилганлиги, назарий маълумотлардан олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумиклиник, инструментал, функционал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишларни эрта аниқлаш ва уларни коррекция қилишда психофармакотерапия билан биргаликда Гештальт-терапия усулини ҳам стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тизимли қизил бўрича билан касалланган беморларда психоэмоционал бузилишлар камайтирилганлиги, даволаниш харажатларини камайтирилганлиги, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи, тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномаларнинг амалиётга тадбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишлар ва унда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тизимли қизил бўричада кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни аниқлаш, уларни Гештальт-терапия ва психофармакотерапия усулларини қўллаш орқали коррекция қилишдан олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Тизимли қизил бўрича касаллигидаги психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/512-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тизимли қизил бўрича касаллигида хавотирли-депрессив бузилишларни эрта аниқлаш, уларни Гештальт-терапия усули бўйича коррекция қилиш имконини берган;

тизимли қизил бўричада базис терапия, психотерапия ва психофармакотерапиянинг биргаликда ўтказилиши асосида психоэмоционал бузилишларни самарали коррекция қилиш ва беморлар ҳаёти сифатини сезиларли даражада ошириш бўйича олинган илмий

натижалар асосида ишлаб чиқилган “Тизимли қизил бўрича касаллигининг тиббий-психологик диагностика алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 январдаги 8н-р/85-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ТҚБ билан оғриган беморларнинг клиник-психологик кўрсаткичлари, суицидал фикрлар ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини аниқлаш имконини берган;

тизимли қизил бўрича касаллиги билан оғриган беморларда психоэмоционал бузилишларни коррекция қилишдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 3-сон шаҳар клиник шифохонаси ва Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/512-сон маълумотномаси). Натижада хавотирли-депрессив бузилишлар билан намоён бўлувчи тизимли қизил бўричада беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш имконияти кенгайтирилган;

тизимли қизил бўрича касаллигини тиббий-психологик диагностика қилиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 3-сон клиник шифохонаси ва Бухоро вилояти 4-сон оилавий поликлиника амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-р/85-сон маълумотномаси). Натижада тизимли қизил бўричадаги психоэмоционал бузилишларни, беморларнинг ҳаёт сифатини эрта тиббий-психологик диагностика қилиш ва уларда хавотирли-депрессив бузилишларни психокоррекция қилишда Гештальт-терапия усулини қўллаш орқали беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

тизимли қизил бўричада кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни аниқлаш, уларни Гештальт-терапия ва психофармакотерапия усуллари кўллаш орқали коррекция қилишдан олинган илмий натижалар асосида “Тизимли қизил бўрича касаллигидаги психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш алгоритми” номли рационализаторлик таклифи ишлаб чиқилган (№941 03.09.2022).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 3 та, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва

технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ревматология амалиётида хавотирли-депрессив бузилишларнинг психологик структураси ва психотерапевтик ёрдамнинг замонавий ҳолати (адабиётлар таҳлили)”** деб номланган биринчи боби беш қисмдан иборат бўлиб, унда хавотирли-депрессив бузилишларни ревматология амалиётида тарқалиш даражаси, ТҚБда хавотирли-депрессив бузилишларнинг патофизиологияси ва клиник кўриниши, ревматология амалиётида психодиагностика, психотерапия ва психофармакотерапия муаммолари баён қилинган. Хулоса қисмида келтирилган маълумотларга яқун ясаб, касалликнинг нозологик мансублигидан қатъи назар, касаллик шароитида психологик жавоб беришнинг умумий кўринишлари мавжудлиги билан бир қаторда айрим соматик патологияларда ушбу жавобларнинг ўзига хос хусусиятлари борлиги таъкидланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, соматик касалликларда психологик диагностика ва психотерапия вазифалари - касалликда беморнинг руҳий ҳолатини бузилишига олиб келадиган ўзгаришларни аниқлаш, шахснинг касалликка мослашиш механизмларини ўрганиш, ҳамда, аниқланган бузилишларни коррекция қилишдан иборатлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишларнинг эмпирик ўрганилиши”** деб номланган иккинчи бобида мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини таъминловчи тадқиқот объектининг тавсифи, тиббий-психологик текшириш усуллари ва услубий ёндашувлар баён қилинган.

Тадқиқот ишлари 2017-2019 йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлимида ТҚБ билан даволанган 80 нафар беморда олиб борилди. Когортани 18-40 ёшгача бўлган беморлар ташкил қилиб, уларнинг ўртача ёши – $28 \pm 9,2$ ва барчаси аёллар. Текширувлар ТҚБнинг ним ўткир (ўткир ости) кечишидаги беморларда ўтказилди.

Диссертациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб беморлар қуйидагича тақсимланди (1-расм.).

Қўлланилган психотерапия ва психофармакотерапия самарадорлигини солиштириб баҳолаш мақсадида Асосий гуруҳдаги 80 нафар беморларни 2 гуруҳга бўлиб ўрганилди:

А) 40 нафар (50%) базис даво билан бирга Гештальт-терапия ва психофармакотерапия (ПФТ)-(антидепрессант ва анксиолитик) ўтказилган беморлар;

В) 40 нафар (50%) базис даво билан бирга рационал психотерапия ва ПФТ қўлланилган беморлар;

2) назорат гуруҳида 40 нафар (100%) текширилувчи – органик ва руҳий бузилишлар аниқланмаган шахслар (амалий соғлом).

Беморлар тақсимланиши



1-расм. Асосий гуруҳдаги беморлар тақсимланиши

Беморларнинг тиббий-психологик статуси тиббий-психологик анкета ёрдамида ўрганилди (З.Р. Ибодуллаев 2018 й., патент №001031). Клиник-психологик текширувлар хулосаларини объективлаштириш мақсадида психологик тестлардан фойдаланилди. Бу мақсадда HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale), яъни “Хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи” танлаб олинди. Беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари SF-36 сўровномаси (SF-36 Health Status Survey) ёрдамида ўрганилди. Психотерапия мақсадида А гуруҳга Гештальт-терапия усулидан, В гуруҳга эса рационал психотерапия усулидан фойдаланилди. Гештальт-терапия мақсади хусусий муаммоларни ечишдан кўламлироқ, аниқроғи мижознинг турмуш тарзини ўзгартириш, киши салоҳиятини – унинг кучлари ва имкониятларини интеграция қилиш ва ривожлантиришдан иборат.

Психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш мақсадида ҳар иккала гуруҳда ҳам психофармакотерапия қўлланилди. Психофармакотерапия ҳар иккала гуруҳга ҳам тиббий-психологик текширувнинг биринчи кунидан буюрилди. Бу мақсадда флувоксамин (феварин) 100 мг 3 ой мобайнида, афобазол 10 мг кунига 2 маҳалдан 1 ой мобайнида берилди.

Тадқиқот натижаларининг статистик текшируви «Excel-2012» стандарт дастури ёрдамида замонавий IBM типдаги ҳисобловчи тизимларни қўллаш орқали ўтказилди. Ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик силжиш, ўртача стандарт хатолик (m), нисбий катталикларни (фоизларда частота) ҳисоблаган ҳолда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти (p) ўртача катталиклар таққосланиб, Стъудент критерийси (t) ёрдамида текширилади. Статистик аҳамиятли ўзгаришларга ҳақиқийлик даражаси $p < 0,05$ қабул қилинди.

Диссертациянинг “Тизимли қизил бўричада хавотирли-депрессив бузилишлар структураси ва динамикаси” деб номланган учинчи бобида клиник-психологик симптомлар дастлабки ҳолатидаги фарқлар баҳоланди.

Беморлардаги хавотирли ва депрессиянинг субъектив белгиларини ўрганишда тиббий-психологик анкетадан фойдаланилди. Шунга кўра, асосий гуруҳдаги А гуруҳда 38 та (95%) беморда доимий хавотирлик ҳисси, асабийлик 35 та (87,5%) беморда, 40 та (100%) беморда чарчоқ, толиқиш, 35 та (87,5%) беморда диққат бузилиши, 37 (92,5%) та беморда уйқу бузилиши, 34 та (85%) беморда ангедония, 32 та (80%) беморда турғун чарчоқ ҳисси, 36 нафар (90%) беморда эмоционал лабиллик, 39 та (97,5%) беморда кайфият ўзгарувчанлиги, 32 (80%) нафарида кўрқув ҳисси, 30 (75%) беморда эса “Ёмон” эмоциялар ҳақида фиксация аниқланди.

В гуруҳда эса 37 та (92,5%) беморда доимий хавотирлик ҳисси, асабийлик 35 та (87,5%) беморда, 40 та (100%) беморда чарчоқ, толиқиш, 34 та (85%) беморда диққат бузилиши, 38 та (95%) беморда уйқу бузилиши, 33 та (82,5%) беморда ангедония, турғун чарчоқ ҳисси 33 та (82,5%) беморда, 35 нафар (87,5%) беморда эмоционал лабиллик, 38 та (95%) беморда кайфият ўзгарувчанлиги, 30 нафарида (77,5%) кўрқув ҳисси, 29 (72,5%) беморда эса “Ёмон” эмоциялар ҳақида фиксация аниқланди.

ТҚБ ташхиси кўйилган беморларда хавотир ёки депрессиянинг борлиги ёки унинг клиник формаларининг яққоллик даражасини HADS шкаласи бўйича таҳлил қилинди. Хавотирнинг турлари (клиник, субклиник хавотир) кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, “А” ва “В” гуруҳдаги беморларда (n=80) клиник хавотир 66,0%ни ташкил этган бўлса, субклиник хавотир 10,7% га тенг бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларда хавотирли кўрсаткичларнинг тақсимланиши (%)

Хавотирли	Асосий гуруҳ n=80		Назорат гуруҳи n=40	
	Абс	%	Абс	%
Клиник ифодаланган хавотир	52 (14±3,1)	66,0 4,9	-	-
Субклиник ифодаланган хавотир	9 (9±1,1)	10,7±12,6	-	-
Хавотир йўқ (норма)	19 (4±3,0)	23,1±8,0*	40(3±2,7)	100 *

HADS шкаласи бўйича асосий ва назорат гуруҳидаги депрессия кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, асосий (А ва В) гуруҳда клиник депрессия назорат гуруҳиникига нисбатан юқори бўлиб, 41,0% ни ташкил этган бўлса, субклиник депрессия 35,7%га тенг бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларда депрессиянинг тақсимланиши (%)

Депрессия	Асосий гуруҳ n=80		Назорат гуруҳ n=40	
	Абс	%	Абс	%
Клиник ифодаланган депрессия	34 (14±3,1)	41,0±6,3	-	-
Субклиник ифодаланган депрессия	28 (9±1,1)	35,7±6,6	-	-
Депрессия йўқ (норма)	18 (4±2,4)	23,3±7,3*	40 (3±2,4)	100*

Юқоридаги умумий маълумотларга кўра А ва В гуруҳдаги беморлар куйидагича тақсимланди (HADS бўйича) (3-жадвал)


3-жадвал

Симптом	А-гуруҳ (n=40)	В-гуруҳ (n=40)
Клиник ифодаланган ХДБ	15 (37,5%)	15(37,5%)
Клиник Х Субклиник Д	9 (22,5%)	9(22,5%)
Клиник Х,	5 (12,5%)	4 (10%)
Клиник Д, Субклиник Х	2 (5%)	2 (5%)
Субклиник ХДБ	2 (5%)	2(5%)
Клиник Д	5 (12,5%)	5(12,5%)
Субклиник Х	1 (2,5%)	1(2,5%)
Субклиник Д	1 (2,5%)	2(5%)

Жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича психоэмоционал кўрсаткичлар тенг тақсимланиб тадқиқот гуруҳлари шакллантирилди.

Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, ТҚБ ташхисланган беморлар корреляция қилинганда клиник ифодаланган хавотирли-депрессив синдромлар субклиник хавотир ва депрессив синдромларга қараганда устунлик қилди.

ТҚБ ташхисланган беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича 8 та кўрсаткични ҳар бир беморда таҳлил қилиш натижаларига кўра, беморларда энг юқори кўрсаткич $55 \pm 5,3$ ни ташкил этди, яъни касаллик беморларнинг ҳаёт сифатига яққол ўз таъсирини ўтказганлигини кўрсатди. Бундан, кўрсаткич қанча юқори бўлса, ҳаёт сифати шунча яхши бўлиши келиб чиқади (2-расм).




2-расм. ТҚБ ташхисланган беморларни SF-36 мезонлари бўйича баҳолаш натижалари

ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда ҳаёт фаолияти чекланишида жисмоний муаммолар ($RP=27,0 \pm 7,3$), ҳаёт фаолиятининг чегараланишида рухий эмоционал муаммолар ($RE=15,4 \pm 8,5$), ҳаёт қобиляти (тетиклик) ($VT=30,6 \pm 7,5$) каби мезонлар бўйича паст кўрсаткичлар қайд этилган бўлса, умумий саломатлик ҳолати ($GH=51,6 \pm 5,3$) ва оғриқнинг интенсивлиги ($BP=48,1 \pm 5,6$) мезони бўйича бироз юқори кўрсаткичлар қайд этилган. Бироқ

бу беморлар умумий саломатлиги яхши эканлиги ёки оғриқнинг интенсивлиги пастлигидан далолат бермайди, шунингдек, олинган кўрсаткичлар соғлом шахсларга нисбатан жуда паст эканлигини кўрсатади.

Биз ўз тадқиқотларимизда ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентлари бўйича ҳам баҳоладик. Олинган натижаларимизга кўра, беморларда жисмоний компонент ($PH=36,7\pm 6,3$) руҳий компонентга ($MH=31,1\pm 6,7$) нисбатан устунлик қилди. Бу эса беморларнинг тетиклик тонуси, ижтимоий фаоллиги, руҳий эмоционал фаолиятига ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлади (3-расм).



3-расм. ТҚБ ташхисланган беморларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларини баҳолаш натижалари (n=80)

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда саломатликнинг жисмоний ва руҳий компонентларини баҳолаш натижаларига кўра жисмоний компонент ($PH=36,7\pm 6,3$) руҳий компонентга ($MH=31,1\pm 6,7$) нисбатан устунлик қилди. Ҳаёт сифатининг руҳий компоненти эса беморларнинг тетиклик тонуси, ижтимоий фаоллиги, руҳий эмоционал ҳолати ва руҳий саломатлиги сабабли паст кўрсаткичга эга бўлди.

ТҚБ аниқланган беморларда даволашнинг дастлабки босқичларида ҳаёт сифатини ўрганиб баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса психореабилитациянинг кейинги босқичларида қўлланилган психотерапиянинг самарасини белгиловчи омил сифатида тадқиқотда фойдаланилади.

Диссертациянинг “**Тизимли қизил бўричада тиббий-психологик ёрдам самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида ўтказилган психотерапевтик коррекциядан кейин беморларнинг психоэмоционал ҳолатида кузатилган ўзгаришлар келтирилган. Ўтказилган тадқиқотимизга асосан базис даво, ПФТ ва психокоррекция қўлланилгандан сўнг “А” ва “В” гуруҳлардаги беморларда хавотир ва депрессиянинг субъектив белгиларини қайта текширилиб баҳоланди. Шунга кўра Гештальт-терапия қўлланилган А гуруҳдаги 5 нафар (12,5%) беморда асабийлашиш, 5 та (12,5%) беморда доимий хавотирлик ҳисси, 8 та (20%) беморда чарчоқ, толиқиш, 6 нафар (15%) да диққат

бузилиши, 8 (20%) та беморда уйқу бузилиши, 4та (10%) беморда ангедония, 3 нафарда турғун чарчоқ ҳисси, 7 та (17,5%) беморда кайфият ўзгарувчанлиги, 3 нафар (7,5%) беморда эса “Ёмон” ҳиссиётлар ҳақида фиксация, 6 (15%) нафарида кўрқув ҳисси, 4 нафар (10%) беморда эмоционал лабиллик аниқланди.

В гуруҳда эса 23 та (57,5%) беморда асабийлашиш, 20 та (50%) беморда доимий хавотирлик ҳисси, 29 та (72,5%) беморда чарчоқ, толиқиш, 23 нафар (57,5%)да диққат бузилиши, 17 та (42,5%) беморда уйқу бузилиши, 18 та (45%) беморда ангедония, 20 нафар (50%)да турғун чарчоқ ҳисси, 25 та (62,5%) беморда кайфият ўзгарувчанлиги, 20 (50%) беморда эса “Ёмон” ҳиссиётлар ҳақида фиксация, 17 нафарида (42,5%) кўрқув ҳисси, 28 нафар (70%) беморда эмоционал лабиллик аниқланди.

Юқоридаги натижалардан маълум бўлдики, ПФТ ва ГТ қўлланилган “А” гуруҳдаги психоэмоционал кўрсаткичлар “В” гуруҳга қараганда статистик ишонарли даражада ($p < 0,001$) ижобий динамика кузатилди.

Беморларнинг психоэмоционал ҳолати HADS шкаласи бўйича психокоррекциядан 1 ой ва 3 ой ўтиб баҳоланган. Олинган натижалар таҳлил қилинганда, хавотирли клиник белгиларининг камайиши “А”, яъни базис даво, ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилган гуруҳда яққол намоён бўлди. Жумладан, клиник хавотирли “А” гуруҳда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилишидан аввал 66,1% ни ташкил қилган бўлса, ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилгандан 1 ойдан сўнг 20,0%га, 3 ойдан сўнг 7,4%га тенг бўлди. Бундан кўришиб турибдики, “А” гуруҳ беморларида қўлланилган психокоррекция усулларида сўнг клиник хавотирли кўрсаткичи 88,8%га камайган. “В” гуруҳдаги текширилувчиларда эса клиник хавотир даражаси 1 ойдан сўнг текширилганда мос равишда 66,1% дан 51,0% га камайганлиги, 3 ойдан сўнг қайта текширилганда эса 41,0% га тенг бўлганлиги қайд этилди, яъни, клиник хавотирли кўрсаткичлари 37,8%га камайганлиги маълум бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

Психофармакотерапия ва психотерапия қўлланилгандан 1 ва 3 ойдан сўнг HADS шкаласи бўйича хавотир кўрсаткичларининг таҳлили (%)

Гуруҳлар	Норма		Субклиник хавотир		Клиник хавотир	
	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг
“А” гуруҳ (n=40)	50,0±6,9	68,5±5,8	30,0±8,4	24,1±9,8	20,0±10,0	7,4±11,2
“В” гуруҳ (n=40)	20,0±10,0	26,0±9,2**	29,0±9,1	33,0±8,4	51,0±6,9*	41,0±7,2**

Изоҳ: А ва В гуруҳлар орасидаги фарқ ** $p < 0,001$; * $p < 0,05$

HADS шкаласи бўйича депрессия кўрсаткичлари текширилиб таҳлил қилинганда клиник депрессия “А” гуруҳдаги беморларга психокоррекциядан аввал 41,0%ни ташкил қилган бўлса, ПФТ ва Гештальт-терапия

қўлланилгандан 1 ойдан сўнг 20,0% га, 3 ойдан 1,8%га тенг бўлди, яъни кўрсаткич 88,8%га камайган. “В” гуруҳдаги беморлардаги депрессия кўрсаткичлари таҳлил қилинганда эса клиник депрессия мос равишда дастлаб 41,0%ни ташкил қилган бўлса, психофармакотерапия ва рационал психотерапия қўлланилгандан 1 ойдан сўнг 38,0% га, 3 ойдан сўнг 12,0%га тенг бўлди, яъни, депрессия кўрсаткичи 29,2%га камайганлиги қайд этилди (5-жадвал).

5-жадвал

Психофармакотерапия ва психотерапия қўлланилгандан 1 ва 3 ойдан сўнг HADS шкаласи бўйича депрессия кўрсаткичларининг таҳлили (%)

Гуруҳлар	Норма		Субклиник депрессия		Клиник депрессия	
	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг	1 ойдан сўнг	3 ойдан сўнг
“А” гуруҳ (n=40)	51,5±6,9	77,7±5,5	29,5±8,9	20,3±9,6	20,0±9,7	1,8±13,4
“В” гуруҳ (n=40)	42,7±7,3	65,0±5,6	19,3±9,8	23,0±9,3	38,0±7,7	12,0±9,3*

Изоҳ: А ва В гуруҳлар орасидаги фарқ * $p < 0,001$;

Юқоридаги жадвалда А гуруҳдаги беморларда клиник хавотир ва депрессия даражаси камайиб нормал кўрсаткичларга эга бўлганлиги ифодаланди.

HADS шкаласи бўйича асосий гуруҳдаги респондентларда хавотир ва депрессияни аниқлаш таҳлиliga кўра, қўлланилган психотерапевтик даво муолажалардан сўнг беморлардаги хавотир ва депрессия клиник белгиларининг сезиларли камайганлигини айнан психотерапевтик даво усуллари, яъни ПФТ ва Гештальт психотерапиясининг биргаликда қўлланилиши юқори самарага эга эканлиги кузатилди.

Ҳаёт сифати кўрсаткичлари натижаларига кўра “А” гуруҳдаги ТҚБ ташхиси кўйилган беморларга ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилгандан сўнг 1 ойдан кейин жисмоний фаоллик (PF) қайта текширилганда кўрсаткичлар 33,6±6,7 дан 45,2±7,3 га, 3 ойдан сўнг қайта текширилганда кўрсаткичлар 53,8±6,6 га ошганлиги қайд этилди, яъни (PF) 37,5%га ортган. “В” гуруҳда эса жисмоний фаоллик (PF) 1 ойдан сўнг қайта текширилганда мос равишда 35,2±7,7 га; 3 ойдан сўнг эса 39,1±6,9 га тенг бўлди. Яъни (PF) қайта текширилганда кўрсаткич 16,3% га ортди.


Ҳаёт фаолияти чекланишида жисмоний муаммолар (RP) натижалари таҳлил қилинганда “А” гуруҳда 1 ойдан кейин кўрсаткичлар 27,0±7,3 дан 46,2±7,3 га, 3 ойдан кейин қайта текширилганда кўрсаткич 78,8 га ошганлиги қайд этилди. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, “А” гуруҳдаги беморларда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилишигача бўлган даврга қараганда 3 ойдан сўнг RP кўрсаткич қарийб 2,5 мартаба юқори бўлган. “В”

гуруҳда эса натижалар мос равишда 1 ойдан сўнг $32,2 \pm 7,7$ га, 3 ойдан сўнг $61,2 \pm 5,8$ га тенг бўлди. Яъни RP кўрсаткичи дастлабки ҳолатга нисбатан 1,0 мартага ортганлиги қайд этилди.

SF-36 сўровномасининг оғриқ ёки унинг интенсивлиги (BP) мезони бўйича “А” ва “В” гуруҳдаги беморлар кўрсаткичлари таҳлил қилинганда гуруҳлар орасида сезиларли фарқ борлиги статистик жиҳатдан тасдиқланди ($P < 0,01$). Жумладан, “А” гуруҳдаги беморларда 1 ойдан кейин кўрсаткичлар $48,1 \pm 6,3$ дан $56,0 \pm 6,6$ га, 3 ойдан кейин $67,7 \pm 5,8$ ($28,9\%$)га ошганлиги қайд қилинди. “В” гуруҳда эса BP кўрсаткичи 1 ойдан сўнг қайта текширилганда кўрсаткич мос равишда $50,4 \pm 6,9$ га; 3 ойдан сўнг эса $54,1 \pm 6,3$ га тенг бўлди. BP кўрсаткичи $20,0\%$ га ортган.

Беморларнинг умумий саломатлигига (GH) баҳо бериши ҳаёт сифати мезонларидан энг асосийсидир. Умумий саломатлик кўрсаткичлари қанчалик паст бўлса беморнинг умумий аҳволи шунчалик оғир бўлади.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, “А” гуруҳда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилишидан 1 ойдан кейин кўрсаткичлар $51,6 \pm 5,3$ дан $62,0 \pm 6,0$ га, 3 ойдан кейин $73,8 \pm 7,0$ ($28,1\%$)га ортди. “В” гуруҳда эса психокоррекциядан 1 ойдан сўнг мос равишда $51,0 \pm 6,6$ га, 3 ойдан сўнг $63,0 \pm 6,0$ га тенг бўлган бўлди, яъни, GH кўрсаткичи $18,0\%$ га ортганлиги қайд этилди (4-расм).



- - психокоррекциядан олдин
- - психокоррекциядан 1 ойдан кейин
- - психокоррекциядан 3 ойдан сўнг

4-расм. “А” ва “В” гуруҳнинг ҳаёт сифати мезонлари бўйича беморларни психокоррекциядан олдин ва кейинги кўрсаткичларининг динамик таҳлили


Беморларнинг SF-36 сўровномаси бўйича охириги 4 ҳафта ичида ҳаёт қобилияти яъни тетиклик тонусига (VT) берган баҳосига кўра баҳоланганда, “А” гуруҳдаги беморларда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилгандан 1 ойдан кейин кўрсаткич $30,9 \pm 6,3$ дан $67,4 \pm 5,8$ га, 3 ойдан кейин $74,5 \pm 5,6$ ($2,5$ баробар)га ошганлиги қайд қилинди. “В” гуруҳдаги беморларда эса VT кўрсаткичи мос равишда кўрсатилган тиббий-психологик коррекциядан 1 ойдан сўнг $41,4 \pm 6,3$ га, 3 ойдан кейин эса $57,0 \pm 5,8$ га тенг бўлди. Яъни, кўрсаткич $1,5$ баробарга ортди.

SF-36 сўровномасидаги ижтимоий фаоллик (SF), яъни беморнинг яқинлари, қариндошлари, дўстлари билан муносабат даражаси ҳам ўрганилди. Унга кўра “А” гуруҳда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилгандан 1 ойдан кейин натижа $37,5 \pm 6,3$ дан $51,5 \pm 6,6$ га, 3 ойдан кейин $78,8 \pm 5,4$ га тенг бўлди. Кўрсаткич қарийб 2,5 баробарга ортди. “В” гуруҳда эса SF кўрсаткичи 1 ойдан сўнг $46,4 \pm 6,9$ га, 3 ойдан сўнг $52,4 \pm 6,0$ тенг бўлди. Ижтимоий фаоллик кўрсаткичи 0,8 баробарга ортганлиги қайд этилди.

SF-36 сўровномаси бўйича ҳаёт фаолиятининг чекланишида руҳий эмоционал муаммолар (RE) роли таҳлил қилинганда, “А” гуруҳда психокоррекция қўлланилгандан 1 ойдан кейин кўрсаткичлар $15,4 \pm 8,7$ дан $70,5 \pm 5,4$ га (6,5 марта), 3 ойдан кейин натижа $92,3 \pm 5,0$ (8,0 баробарга) ошди. “В” гуруҳда RE кўрсаткичи психокоррекциядан 1 ойдан сўнг $28,5 \pm 7,7$ га, 3 ойдан сўнг $36,3 \pm 5,6$ (6,0 баробарга) ошди.

Ҳаёт фаолияти чекланишида руҳий эмоционал муаммолар (RE) А гуруҳ беморларида психотерапевтик муолажалардан сўнг ҳаёт сифати кўрсаткичларининг энг юқори даражасини (92,3) ташкил қилди ($p < 0,001$) Беморларнинг охириги 4 ҳафта ичида руҳий кайфияти ҳар қандай касалликлар билан курашишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

SF-36 сўровномасидаги руҳий саломатлик (MH) компонентини таҳлил қилганимизда “А” гуруҳдаги беморларда психокоррекция қўлланилгандан 1 ойдан кейин натижа $38,9 \pm 6,3$ дан $64,0 \pm 6,0$ га (50%) га, 3 ойдан кейин $77,8 \pm 5,5$ (75,0%) га ортганлиги қайд қилинди. “В” гуруҳда эса натижалар мос равишда психокоррекциядан 1 ойдан сўнг $46,5 \pm 6,9$ га тенг бўлган бўлса, 3 ойдан сўнг $61,4 \pm 7,7$ тенг бўлди. Яъни, кўрсаткичлар 50% га ортди $p < 0,005$ (5-расм).




- - психокоррекциядан олдин ● - психокоррекциядан 1 ойдан кейин
 ● - психокоррекциядан 3 ойдан сўнг

Расм №5. “А” ва “В” гуруҳнинг ҳаёт сифати мезонлари бўйича беморларни психокоррекциядан олдин ва кейинги кўрсаткичларининг динамик таҳлили

ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда SF-36 сўровномаси бўйича саломатликнинг жисмоний компонентини баҳолаш натижаларига кўра, “А” гуруҳда Гештальт-терапия қўлланилгандан 1 ойдан кейин кўрсаткичлар $33,7 \pm 6,3$ дан $38,0 \pm 7,7$ га ўзгарган бўлса, 3 ойдан кейин $41,2 \pm 7,3$ га, яъни

18,2%га ортганлиги қайд этилди. “В” гуруҳда эса психофармакотерапия ва рационал психотерапия қўлланилгандан 1 ойдан сўнг кўрсаткичлар мос равишда $34,2 \pm 8,2$ га, 3 ойдан сўнг эса кўрсаткич $36,0 \pm 7,7$ га тенг бўлганлиги, яъни, кўрсаткичларни 6,7% га ортганлиги қайд этилди.

ТҚБ ташхиси қўйилган беморларда SF-36 сўровномаси бўйича саломатликнинг психологик компонентини баҳолаш натижаларига кўра, “А” гуруҳда ПФТ ва Гештальт-терапия қўлланилгандан 1 ойдан кейин кўрсаткичлар $31,0 \pm 6,7$ дан $40,5 \pm 7,7$ га, 3 ойдан кейин $57,6 \pm 6,3$ га, яъни кўрсаткич 41,1%га ортганлиги қайд этилди. “В” гуруҳда эса кўрсаткичлар мос равишда $36,5 \pm 7,7$; $47,4 \pm 6,9$ га тенг бўлиб, 20,0%га ортганлиги қайд этилди (6-расм).



6-расм. Психокоррекциядан аввал ва кейинги “А” ва “В” гуруҳ беморларда саломатликнинг жисмоний ва психологик компонентини динамикада баҳолаш

Айнан саломатликнинг психологик компонентининг юқори баҳоланишини А гуруҳ беморларида ўтказилган Гештальт психотерапевтик муолажаларининг ижобий натижаси сифати билан боғлаш мумкин. Жумладан, беморларнинг охириги 4 hafta ичида тетиклик тонуси, ижтимоий фаоллиги (дўстлари, қариндошлари, ҳамкасблари билан муносабат даражаси), рухий кайфияти (хурсандчилик, тинчлик, хотиржамлик) яхшиланиб, ҳаёт фаолиятининг чегараланишида эмоционал муаммолар ролининг камайиб борганлиги қайд этилди.

Юқоридаги фактларни инобатга олган ҳолда, биз ушбу тадқиқот ишимизда беморлардаги психоэмоционал сфера бузилишларни тўғри психокоррекция қилиш орқали қай даражада иқтисодий самарадорликка эришиш мумкинлигини ўрганиб баҳоладик.

Иқтисодий самарадорлик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 31 июлдаги 254-сонли "Даволаш нарҳини

пасайтиришдан олинадиган иқтисодий самарани ҳисоблаш" буйруғининг 2-иловасига мувофиқ баҳоланди.

Ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:
$$\text{Э вр} = [(M1-M2) + (C1-C2) + (B + E) \times 0.6] \times H - 0.15 \times K = [((113000 \times 2 \times 6 - 113000 \times 2 \times 3 + 66000 \times 3 - 66000) - 0) + (3 \times 2000000 - 2 \times 2000000) + (0 + 0) \times 0.6] \times 40 - 0.15 \times 3\,600\,000 = 111\,860\,000 \text{т сум.}$$

Шунга кўра Гештальт психотерапия усулидан фойдаланганда 40 та беморни даволаш харажатлари 111860000 сўм ёки 1та бемор учун 2796500 сўмга камайди.

Хулоса қилиб айтганда, тизимли қизил бўричанинг иқтисодий таъсири сезиларли бўлиши мумкин, аммо касалликни тўғри бошқариш, даволаш ва психологик қўллаб-қувватлаш билан беморлар молиявий муаммоларни минималлаштириши ва ҳаёт сифатини яхшилашга эътибор қаратишлари мумкин.

ХУЛОСА

“Тизимли қизил бўричада хавотир-депрессив бузилишлар ва унда тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш” мавзусидаги тиббиёт фанлари фалсафа доктори диссертацияси (PhD) бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тизимли қизил бўрича ташҳиси қўйилган беморларни психоэмоционал ҳолати тиббий-психологик анкета ёрдамида субъектив текширилганда уларнинг барчасида психоэмоционал сфера бузилишлари (дистимик ҳолатлар, ангедония, апатик ҳолатлар, диссомния, демотивацион синдромлар, психовегетатив бузилишлар, хавотир, депрессив бузилишлар); HADS шкаласини қўллаш орқали текширилганларнинг барчасида турли даражада клиник, субклиник хавотир ва депрессия аниқланди ва таҳлил қилинди.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, ТҚБ ташҳиси қўйилган беморлардаги психоэмоционал бузилишларни комплекс даволашда психотерапия (Гештальт-терапия) ва психофармакотерапияни қўллаш орқали субъектив симптомлар самарали коррекция қилинди. HADS мезони бўйича хавотир, депрессия таҳлилига кўра, А гуруҳ беморлари орасида клиник хавотир ва депрессия 88,8%га, В гуруҳда эса 29,2 га камайганлиги қайд этилди.

3. Тизимли қизил бўричада беморларнинг ҳаёт сифати SF-36 сўровномаси бўйича таҳлил қилинганда Гештальт-терапия қўлланилган гуруҳда барча кўрсаткичлар, айниқса, саломатликнинг руҳий компоненти кўрсаткичлари ишонарли яхшиланганлиги қайд этилди (41,1%га ортди) ва ушбу натижаларни А гуруҳ беморларида ўтказилган Гештальт-терапиянинг ижобий самараси билан боғлаш мумкин.

4. Тизимли қизил бўрича ташҳиси қўйилган беморларга психотерапевтик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида улардаги психоэмоционал сфера ҳолатини аниқловчи тиббий психологик анкета ва хавотир ҳамда депрессия даражаларини аниқловчи шкала, психоэмоционал фонни коррекция қилиш мақсадида Гештальт-терапияси асос қилиб олинган алгоритм ишлаб

чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаш орқали уларнинг психоэмоционал ҳолати ишонарли яхшиланиши натижасида ҳаёт сифати динамикада ижобий тарафга ўзгарганлиги қайд қилинди. Жумладан, беморларнинг охириги 4 ҳафта ичида тетиклик тонуси, ижтимоий фаоллиги (дўстлари, қариндошлари, ҳамкасблари билан муносабат даражаси), руҳий кайфияти (хурсандчилик, тинчлик, хотиржамлик) яхшиланиб, ҳаёт фаолиятининг чегараланишида эмоционал муаммолар ролининг камайиб борганлиги қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ СПОРТИВНОЙ МЕДИЦИНЫ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

МАХАМАТЖАНОВА НОДИРА МАХАМАДАМИНОВНА

**ТРЕВОЖНО-ДЕПРЕССИВНЫЕ РАССТРОЙСТВА ПРИ СИСТЕМНОЙ
КРАСНОЙ ВОЛЧАНКЕ И ОПТИМИЗАЦИЯ МЕДИКО-
ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ**

19.00.04– Медицинская психология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером **B2019.2.PhD/Tib1033**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках узбекский, русский, английский. (резюме размещен на веб-странице Научного совета «www.medsport.uz» и информационно-образовательного портала «[Ziynet](http://Ziynet.uz)» по адресу: www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ибодуллаев Зарифбой Ражабович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдуллаева Василя Каримовна
доктор медицинских наук, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный
стоматологический институт

Защита состоится « _____ » _____ 2023 г. в _____ часов на заседании Научного совета PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 при Республиканском научно-практическом центре спортивной медицины (Адрес: 100027, г. Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. Олмазор дом 6, тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93; e-mail: medsport@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, у. Фароби, дом 2. Тел/факс (71) 150-78-25. e-mail: tta2005@mail.ru

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2023 года.

(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2023 года).

А.А. Садиков

Председатель разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Б. Солиев

Ученый секретарь разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, с.н.с.

А.А. Хаджиметов

Председатель разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире системная красная волчанка (СКВ) является одной из ведущих причин смерти пациентов с повреждением жизненно важных органов в краткосрочной перспективе. По официальным данным, «...системная красная волчанка является наиболее распространенным ревматическим заболеванием, встречающимся в 10 раз чаще у женщин, чем у мужчин, и периодом начала обычно в возрасте от 14 до 40 лет...»¹. В связи с тем, что СКВ также является лидером по частоте психоэмоциональных расстройств и признана одной из медицинских проблем с высоким социально-медицинским и экономическим вредом, инвалидность остается одной из наиболее актуальных проблем, требующих углубленного изучения.

Во всем мире в СКВ проводится ряд исследований, направленных на достижение высокой эффективности в улучшении ранней диагностики, лечения и профилактики тревожно-депрессивных расстройств. Определить патогенетическую связь психоэмоциональных расстройств с базисным лечением, оценить влияние тревожно-депрессивных расстройств на качество жизни больных системной красной волчанкой, развитие и развитие психоэмоциональных нарушений у больных системной красной волчанкой, раннюю диагностику и Осложнение тревожно-депрессивных расстройств. Одной из важных задач является разработка основных критериев прогнозирования развития.

В нашей стране проводится ряд научных исследований по качественному развитию медицинской сферы, повышению качества медицинских услуг, оказываемых населению, в том числе раннему выявлению тревожно-депрессивных расстройств в СКВ и повышению уровня эффективного лечения до нового уровня. В целях дальнейшего повышения качества медицинских услуг, оказываемых населению, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены такие задачи, как «дальнейшее развитие и совершенствование медико-социальной помощи»². Реализация этих задач, в том числе выявление психоэмоциональных нарушений при эффективном лечении СКВ, совершенствование специализированной медико-психологической помощи на основе расширения применения современных методов психофармакотерапии и психотерапии, а также своевременное оказание медико-психологической помощи имеет важное значение в оздоровлении больных.

